

## ЃЎЗА ЎСИМЛИГИДА ТУРИЧИ ВА ТУРЛАРАРО ДУРАГАЙЛАРДА ШЎРГА ЧИДАМЛИЛИК БЕЛГИЛАРИНИ НАСЛДАН-НАСЛГА ЎТИШИ

**Хасанов Р.К.**

Самарқанд Давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали доценти

**Рахмедова Ф.**

Самарқанд Давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали талабаси

**Аннотация:** Ушбу тадқиқотда ғўза ўсимлигида тур ичи ва турлараро дурагайларда шўрга чидамлик белгиларининг наслдан-наслга ўтиши ўрганилди. Таҷрибада турли дурагай комбинациялар иштирок этиб, уларнинг фенологик ва морфологик кўрсаткичлари баҳоланди. Натижалар шуни кўрсатдики, айрим турлараро дурагайларда, хусусан (Г. тхурберии х Г. раимондии) комбинациясида ҳосилдорлик элементи ҳисобланган кўсаклар сони юқори бўлди. Тадқиқот натижалари шўр ва қурғоқчил шароитларга чидамли, юқори ҳосилли ғўза навларини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар;** турлараро, Шўр, Морфологик, дурагай, кўсак.

В данной работе изучено наследование признаков солеустойчивости у внутривидовых и межвидовых гибридов хлопчатника. В эксперименте использовались различные гибридные комбинации, у которых оценивались фенологические и морфологические показатели. Результаты показали, что у некоторых межвидовых гибридов, особенно в комбинации (*G. thurberii* х *G. raimondii*), отмечено увеличение количества коробочек, являющихся основным элементом урожайности. Полученные данные имеют важное значение для создания высокоурожайных и устойчивых к засолению и засухе сортов хлопчатника.

**Annotation:** This study investigates the inheritance of salt tolerance traits in intraspecific and interspecific hybrids of cotton. Various hybrid combinations were analyzed, and their phenological and morphological characteristics were evaluated. The results showed that certain interspecific hybrids, particularly the combination (*G. thurberii* х *G. raimondii*), exhibited a higher number of bolls, which is a key yield component. The findings are important for developing high-yielding and salt- and drought-tolerant cotton varieties.

Дунё бўйича пахта энг кўп етиштириладиган ноозик-овқат экини бўлиб, йилига 30 млн гектар майдонда 20 млн тоннадан ортиқ пахта толаси етиштирилади. Бугунги кунда кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари биосферада ҳаво ҳароратининг кўтарилиши туфайли иқлим қурғоқчилиги ортиб

боришини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда, иқлимнинг салбий таъсирини камайтириш учун унга мослашиш чораларини кўриш зарур. Ноқулай об-ҳаво шароитлари, сув танқислиги ва қурғоқчилик сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда аҳолини озиқ-овқатга, саноатни хомашёга бўлган талабини қондиришда замонавий технологияларни ишлаб чиқиш, деҳқончилик маданиятини ошириш, экинларнинг янги юқори ҳосилли ва сифатли навларни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда дунё миқёсида ғўзанинг ёввойи турлари иштирокида олинган намуналарда қурғоқчиликка чидамлилик белгисини генетикфизиологик асосларини аниқлаш, *Gossypum L.* авлодининг маданийлаштирилган ғўза турларида тола сифати кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги юқори ва қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган, ноқулай ташқи омилларга бардошли навлар яратиш, *G.hirsutum L.* турига мансуб туричи ва турлараро дурагайлаш асосида олинган тизмаларни маҳаллий навлар билан чаптириш орқали дурагай авлодлар генотипларини бойитиш ҳамда тола сифати кўрсаткичлари яхшиланган, тезпишар, тола чиқими юқори ва касалликларга, сув танқислигига бардошли янги тизма ва навлар яратиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ғўза экинларини сув етишмаслик шароитларга мослашиш имкониятларини ошириш, қурғоқчиликка чидамли навларни яратишда генотип ва ташқи шароит омилларининг боғлиқлигини ўрганиш, унинг генетик ва морфо-физиологик механизмларини очиқ беришда мавжуд нав, тизма ва дурагай популяциялар ичидан сув танқислигига чидамли донорлар ажратиш олиш ўта долзарб ҳисобланади. Республикамизда ғўза ўсимлигини турлараро ва туричида тажриба қўйиб ўрганиш мақсадида шўрга чидамлилик белгиларини наслдан-наслга ўтиш қонунияти ўрганилди.

Тажрибада ўнта турлараро ва туричида дурагайлар қатнашди.

1- жадвалда турлараро дурагай комбинацияларини келиб чиқиши келтирилган.

1-жадвал.

№	Тизмалар	Келиб чиқиши.
1.	Л-112 x Л-125	F <sub>1</sub> (G. hirsutumt. x G. anomalum) x G. raimondii
2.	Л-125 x Л-112	F <sub>1</sub> G. raimondii x (G. hirsutum. x G. anomalum)
3.	Л-270 x Л-291	F <sub>1</sub> (G. thurberii x G. raimondii) x C-4534
4.	Л-291 x Л-270	F <sub>1</sub> C-4534 x (G. thurberii x G. raimondii)
5.	Л-342 x Л-350	F <sub>1</sub> ( G. stocksii x G. anomalum)x C-4880
6.	Л-350 x Л-342	F <sub>1</sub> C-4880 x (G. stocksii x G. anomalum
7.	Л-412 x Л-483	F <sub>1</sub> (G. raimondii) x G. arboreum)x C-3516
8.	Л-483 x Л-412	F <sub>1</sub> C-3516 x (G. raimondii x G. arboreum)
9.	Л-384 x Л-483	F <sub>1</sub> C-3516 x (G.anomalum x G.harknessii)
10.	Л-483 x Л-384	F <sub>1</sub> (G.anomalum x G.harknessii) x C-3516

Ҳамма дурагай комбинациялари битта тажрибада уч қайтариқдан рендамизация усулида институтнинг Дўрмон тажриба даласида экилди.

Экиш олдида ҳамма чигитларни шўрхоқликка чидамлилигини лаборатория шароитида текширилди. Ғўза чигитини шўрга чидамлилигини термостатда ВИР методи билан филтровка қоғозда 25<sup>0</sup> С ли температурада чигитни ундириб, ўсимта узунлигини ўстириб, ўлчаб, ўрганилди. Тажрибада ўсимликларни NaCl тузли 0,8 % эритмасида ва назоратни H<sub>2</sub>O сувда ўстириб аниқланди. Бу йилги ҳисоботда тажриба даласида экилган туричи ва турлараро дурагай комбинацияларида фенологик кузатув олиб борилди.


Битта ўсимликдаги гул сони, ўсимлик бўйи, симподиал ва монопадиал шохлар сони ҳисобланди.



2-расмларда туричи ва турлараро дурагайлارни гуллар сони уч хил вақтда 25-30-июль ва 10-августда ҳисобланди.

Тажрибада иштирок этаётган ғўзанинг( *G hirsutum*) турига мансуб ўрта толали ғўзалар гули ва кўсак сонидан унча катта фарқ бўлмади.


Навбахор-2 ва Омад ғўза навлари билан чапиштириб олинганда,  $F_1$  ўсимликларида қолган дурагайлارга нисбатан 1тадан 4 тагача гуллар сони кўплиги аниқланди.



Ҳосилни асосий элементи ҳисобланган битта ўсимликдаги кўсақлар ҳисобланганда туричидаги дурагайларга нисбатан турлараро дурагайларда бу кўрсаткич юқори эканлиги тажрибалар давомида қайд этилди,



(3- расм). бошқа дурагайларга нисбатан кўсак сони Л-270 х Л-291 (G thurberii х G raimondii) х С-4534 дурагай комбинацияларида маълум даражада юқори бўлди. Қолган барча дурагай комбинацияларда кўсак сони бўйича бир биридан фарқ кузатилмади. туричидаги дурагайлар бундан мустасно.



Ҳамма дурагай комбинациялари бўйича 50 та чанокли наъмуна, оилавий терим, кўрсаткичлари яхши бўлган дурагайлардан якка танлов териб олинди.

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб турлараро дурагайларда бошқа дурагайларга нисбатан кўсак сони Л-270 х Л-291 (G thurberii х G raimondii) х С-4534 дурагай комбинацияларида маълум даражада юқори бўлди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдукаримов Д.Т., Луков М Д . Гуза селекцияси ва уругчилик фанидан амалий машгулот дарслари бўйича услубий кулланма. Самарканд 2011.
2. Абзалов М.Ф. Госсипиум>;ирсутум Л. Гуза генларини узаро таъсири. Фан, Тошкент, 2010.
3. Абдукаримов Д.Т., Луков М Д . “Гуза селекцияси ва уругчилиги” Тошкент «Тимес» нашриёти 2015 й. 333-бет.
4. Абдукаримов Д.Т. 1<sup>и</sup>ишлок; хужалик екинлар селекцияси ва уругчилиги (Дарслик). Тошкент, 2005.
5. Абдукаримов Д.Т., Остонакулов Т.Е., Луков М Д . Селекция ва уругчилик практикуми (укув кулланма). Зарафшон нашриёти. Самарканд 1993.